



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2011 йил
14 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 99
(12.423)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



БЕКОБОД ТУМАНИ

ЙИГИРМА КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

«Зафар-Давларзин» фермер хўжалигида сабзавот маҳсулотларини консервланишга ихтисослашган цех фаолият бошлади.

Бунинг учун хўжаликнинг ўз даромади ҳамда банк кредити ҳисобидан 100 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда 20 нафар маҳаллий ёшларни мавсумий ишга жалб этган цех жамоаси турфа сабзавот маҳсулотларини маринадлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш ҳаракатида.

ЎРТА ЧИРЧИК ТУМАНИ

ХАРИДОР ТАЛАБИГА БИНОАН

Тумандаги «Наврўз» маҳалласида мебелсозлик цехи ишга тушди. Бу ерда тайёрланаётган мебеллар замонавий дизайни, бежирим ва сифатлиги билан эътибор қозонмоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнларини илгор технологиялар асосида ташкил этиш учун цехга 110 миллион сўмлик мебелсозлик ускуна ва анжомлари ўрнатилди, — дейди тадбиркор О. Назирқулов. — Улар ёрдамида 12 нафар маҳаллий уста ва хунармандлар харидорлар диди ва талабига мувофиқ арзон ва сифатли мебел тўпламларини тайёрлашмоқда.

ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

ЛИБОСЛАРИ КЎРКАМ

Туманда болалар кийим-кечакари тикадиган яна бир янги корхона иш бошлади. «Фортун-Элегант» номини олган корхонани хорижий илгор тикувчилик ускуналари билан жиҳозлаш учун маҳаллий сармоядорлар 200 минг АҚШ доллари сарфлашди.

Ҳозир 36 нафар маҳаллий чеварнинг бандлигини таъминлаган корхонада тайёрланаётган болалар либослари асосан хорижда экспорт қилинмоқда. — Йил охиригача хорижлик буюртмачиларга 120 минг АҚШ долларилик кийим-кечак тикиб бериш ҳаракатида, — дейишмоқда корхона чеварлари.

ОЛМАЛИК ШАҲРИ

МАҲСУЛОТЛАР — ИЧКИ БОЗОРГА

«Olmaliq Bithin» масъулияти чекланган жамиятида кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилган, порфомерия-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун жамиятнинг ўз маблағларидан ташқари банкнинг 100 миллион сўмлик кредити жалб этилди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

2011 йил — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ



КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР КАТТА

Олмаликдаги «Улуғ Хушров» масъулияти чекланган жамияти Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ташкил этилган корхоналардан бири. Ишбилармон Равшан Сангинов бошлиқ жамоа ишлаб чиқаришни тўлиқ модернизациялаб, чинни маҳсулотлари чиқара бошлади.

— 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган бизга жуда қўл келди, — дейди Р. Сангинов. — Аввало, тадбиркорларга яратиб берилган имтиёзлар туфайли ишлаб чиқаришимизни қисқа фурсатда қайта бошлашга эришдик. Ҳозир аҳолига ойига 15 мингта лаган, 5 мингтадан пиёла ва ликобча етказиб берилмоқда. Энг муҳими, харидорлар қўлайиб бораёттир.

Корхонада биринчи таллаб — сифат. Бу бежиз эмас. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат кучайиб боради. Рақобат бор жойда суръат билан бирга сифатни ҳам таъминлаш керак. Айни кунларда корхонада 32 киши меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти маҳаллий ёшлар.

Маълумки, чиннисозлик осон касб эмас. Унинг сирасорларини пухта эгаллаш учун сабр-тоқат ва уста мураббий зарур. Бунинг эътиборига олган раҳбар бу

ерда «устоз-шогирд» аънаси асосида иш юритмоқда. Қарийб 20 йилдан бун чиннисозлик касбини эъзозлаб келаётган Хушнуд Шарофиддиновнинг ўзи ҳозиргача 20 дан зиёд ёшларга устозлик қилди.

Корхона ўз маҳсулотларини тўлиқ маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқармоқда. Улар Ангрен шаҳри, Қорақалпоғистон ва Фарғона вилоятининг Яйпан туманидан олиб келинмоқда. Корхонанинг келгусидаги режалари катта.

— 2012 йилдан бошлаб коса ва чойнак ишлаб чи-

қариш ҳам йўлга қўйилди, — дейди Р. Сангинов. — Шу ҳисобдан яна 100 та янги иш ўрни очилади. Иккинчи қилинадиган энг катта иш — маҳсулотимизни экспортга чиқариш. Ҳозирнинг ўзида хорижликлар маҳсулотимизга қизиқиш билдиришмоқда.

Корхонада реконструкция ишлари ҳам давом эттирилади. Ишчи-хизматчилар учун 50 ўринли ошхона билан бирга маъмурий ҳамда ёрдамчи бинолар қурилиши яқин кунларда тугатилади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

СУРАТДА: Феруз Самиев Шаҳодат Хусанова билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

САРҲИСОБ ВА НАТИЖА

Жорий йилнинг 21 декабрь куни Ёшлар ижод саройида «Келажак овози — 2011» иқтидорли ёшлар танловининг якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшларга қаратилган энг йирик лойиҳаси ҳисобланган иқтидорли ёшлар танлови архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақдирлар ва техник лойиҳалар, аънавий санъат, адабиёт ва журналистика каби йўналишларда ўтказилади. Бир вақтнинг ўзида жамғарманинг аънавий онлайн-анжумани ҳам бўлиб ўтди. Унда ташкилот вакиллари ва унинг фаолиятига у ёки бу тарзда

2012 йил — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Болага эътибор — келажакка эътибор» мавзuida анжуман ўтказилди.

Ёш авлодга доимий меҳр ва эътибор кўрсатиш, пухта билим бериш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни миллий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидандир. Бу жараёнда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, истеъдод ва қобилиятини аниқлаш ва рўёбга чиқариш, уларни касб-хунарга йўналтириш, турли тўғарак ва спортга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонулар, бу борадаги ижтимоий дастурлар ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишида муҳим ҳуқуқий асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси раиси И. Юсупова, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбасари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиёва ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодга замон талаблари асосида таълим бериш ва касб-хунар ўргатиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ўқув адабиётлари, компьютер технологиялари ва замонавий жиҳозлар

билан таъминлаш, ушбу масканлардаги маърифий-тарбиявий ишларни давр талаби асосида такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар юртимизда ҳар бир бола Президентимиз, давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини ҳис этиб улғайишига хизмат қилмоқда.

— Юсак маънавият, тегаран тафаккур эгаси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз иходий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда турли вазирлик ва идоралар билан бирга Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими раиси Б. Жабборов. — Ҳамкорликда амалга оширилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, маърифий анжуманлар юртимизда ёшлар камолоти, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, билим олиши, қизиқиш ва лаёқатига қўра касб-хунар ўрганишини кўзда тутди.

Анжуманда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий дастурларнинг ихроси борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди ва бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ихросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш йўлидаги саяё-ҳаракатлар, иқтисодиётда давлат органларининг аравлашувини тубдан қайта қилиш ҳамда тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда 2012 йилнинг 1 январидан сановат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови миқдори 6 фоиздан 5 фоизга қайта қилиниб, бу кичик бизнес субъектларининг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

Матбуот анжуманида таъкидланишича, соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўринларининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улushi йил якунида 54 фоизга етиши кутилмоқда.

«Туркистон-пресс».

2012 йил учун



ОБУНА

давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси
индекси — 205.

САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БОШҚАРУВНИНГ МУҲИМ НЕГИЗИ

Бугун вилоятимизда 12 та шаҳарча, 152 та қишлоқ, 1177 та маҳалла фуқаролар йиғинлари давлат бошқарувининг энг қўйи бўғинида мамлакатни модернизация қилиш, ҳуқуқий давлат ва демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, ислохотларни чуқурлаштириш вазифаларини бевосита амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Мустақиллик йилларида уларнинг мақомини кўтариш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътибор янада оширилди.

Маҳалла қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва бошқа маънавий қадриятлар шаклланиган маскан бўлиб келган. Истиклол туфайли у жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг бирламчи бўғини сифатида тобора яққол намоён бўла бошлади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг конференциясида бу ҳолатлар алоҳида таъкидланиб, маҳаллаларда олиб борилаётган барча ишларни кучай-

тириш, маҳаллий ҳокимият бошқарувининг уларга топширилган вазифалари тўла ва оғишмай бажарилишига эришиш вазифалари муҳокама қилинди.

Конференция жамғарма вилоят бўлимининг раиси Суяроҳ Қурбонқуловнинг 2006-2011 йиллар давомида амалга оширилган ишларга доир ҳисоботи, раис ўринбасари Абдурашид Расуловнинг «Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» дан



келиб чиқиб, 2012-2014 йилларда маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш борасидаги



устувор вазифалар тўғрисида»ги маърузасини тинглаб, муҳокама қилди. Конференция вилоят бўлими бошқаруви, тафтиш комиссияси таркибларини ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига

делегатларни сайлади. Суяроҳ Қурбонқулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят бошқаруви раислигидан озод қилинди. Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси вазифасида ишлаётган Ҳожи-

мурод Эрматов «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси этиб сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов иштирок этди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КҮЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТИНЧЛИГИМИЗ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Қуни кеча мустақил Ўзбекистоннинг Бош қонуни — Конституциянинг 19 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида баланд руҳ, кўтаринки кайфиятда ўтган байрам тадбирларида юртдошларимиз эмин-эркин, шод-хуррамликда иштирок эттиди. Бу бежиз эмас. Бундай шодликлари тинчликда,

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг миллий хавфсизлигини таъминлашдаги роли ва ўрни" мавзусига бағишланган ўқув-семинар ҳам айнан Қуроли Кучлар соҳасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар, уларни кенг жамоатчиликка асосли, тўлароқ таништириш мақсадида ўтказилди.

Семинарда Мудофаа вазирлиги ва Қуроли Кучлар бирлашган штаби масъул ходимлари, Қуроли Кучлар академияси ҳамда Тошкент Олий умумқўшун билим юрти профессор ўқитувчилари иштирок этишди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига, чегараларимиз дахлсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузарга муносиб зарба берадиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори



даражада ҳал қиладиган, яхши қуролланган, профессионал, сон жиҳатдан катта бўлмаган ҳамда тезкор Қуроли Кучларнинг шаклланиш босқичлари тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан армияни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изланишлар натижасида мамлакатимиз Қуроли Кучларини бошқаришнинг замон ва минтақа миқёсда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар таълаблари жаваб берадиган мулкка янги тизим яратилганлиги, қўсқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус опера-

осойишталикда ўтказаетган, эртанги кундан кўнгли тўқ, хотиржам инсонлар ҳамиша қудратли давлат мухофазасини ҳис этиб яшайди. Зеро, давлатимиз куч-қудратини белгилловчи, халқимиз хавфсизлигини таъминловчи Қуроли Кучларимиз, Ватан сарҳадларини мардонавор қўриқлаб турган ўғлонларимиз бор...

рибалари фахрланса арзигulik. Қолаверса, бундай имкониятлар учун барпо этилган мустаҳкам пойдевор — ҳарбий таълим муассасалари, изчил тақомиллаштирилаётган кадрлар тайёрлаш тизими, эндиликда Ўзбекистон Қуроли Кучлари сафида хизмат қилиш нафақат фуқаролик бурни, балки энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилинаётгани мустақил Ватан келажаги ишончи қўлларда эканини аниқлатади. Ҳарбий хизматга қақариш танлов асосида ўтказилаётгани йилгитари мизнинг бу муқаддас бурча сadoқати ортиб бораётгани мустақиллик йилларида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири бўлиб, ҳақли равишда гуруҳ ва ифтихор туйғуларини уюғатади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, Миллий армиямизни янада тақомиллаштириш мақсадида давлатимиз амалга ошираётган ислохотлар, соҳада бўлаётган ҳар бир ўзгаришларни кенг жамоатчиликка етказиб беришда журналистларнинг ўрни, роли ва масъулияти мумкин аҳамият касб этади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУНИЙ МУСТАҚАМЛАНГАН

Бола ҳуқуқлари, келажаги, бахт-иқболи тўғрисида сўз борар экан, Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган пурҳикмат сўзларини ёдга олиш жоиздир. Зеро, инсон бу ёруғ дунёда болам деб яшайди, бахтини фарзандларининг қамолотида кўради. Жаҳонда бирор миллат, халқ йўқки, ўз зурриёди тўғрисида қўйғурмасин.

Болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишга истиқлолнинг дастлабки давридoққ алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси 1992 йилдаёқ Ўзбекистон томонидан ратификация қилинди. Шу билан бирга "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги алоҳида Қонун қабул қилинди. Жумладан, унинг 4-моддаси "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати" деб номланиб, унда давлат сиёсатининг бола ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини, шашини, кадр-хизматини муҳофаза қилиш; болалар ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини, бу борада давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг очиллигини, ошқоралигини таъминлаш; бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат но-тижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик; бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш; боланинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишига қўмаклашиш; болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, барикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш; уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш; болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятини амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш; малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, воғга етмаганлар ўртасида ҳуқуқ-бузарликларнинг қамалишига қўмаклашиш каби асосий йўналишлари ўз аксини топти. Шу билан бирга, Қонунда бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат но-тижорат ташкилотларининг иштироки масаласига ҳам ойдинлик киритилгани, бу "Қўли давлатдан — қўли фуқаролик жамияти сари" тамойилига таъминлаш мос келади.

Қонуннинг 2-боби тўлиқ бола ҳуқуқларининг асосий кафолатларига бағишланган. Унда боланинг яшаш, индивидуаллик ва уни сақлаб қолиш, эркинлик ва шаший дахлсизлик, ўз фикрини эркин ифода этиш, ахборот олиш, фикрлаш, сўз вийдон ва эътиқод эркинлиги, меҳнат, таълим олиш ҳуқуқлари, соғлигимиз, оилавий муҳитга, ҳусусий мулкка, тураржойга, дам олиш ва бўш вақтга, соғлигини сақлашга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари, болаларни тарбиялаётган оилаларнинг давлат томо-

нидан қўллаб-қувватланиши баён қилинган.

Биз барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга биноан ҳар бир бола эркинлик, шаший дахлсизлик, тураржой ва хат-хабар сирлари дахлсизлиги, унинг шашини ва кадр-хизматига тажовуздан, шаший ҳаётига ноқонуний ара-лашувдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир боланинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бола ота-она, ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Қонундаги энг муҳим жиҳатлардан бири боланинг ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқининг кафолатланганидир. 18-моддада бола қонунда белгиланган тартибда ҳусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги баён этилади ва бундай ҳусусий мулкка қўйидагича таъриф берилади: "Боланин шаший фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳада, мерос тариқасида олинган, шунингдек шаший меҳнати азиятига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг ҳусусий мулккидир".

Боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари-га Қонунда кенг ўрин берилган ва давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онга унинг соғлигини сақлаш шaroитлари-ни яратишини қонуний меъёри сифатида мустаҳкамлаган.

"Таълим тўғрисида", "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Ногирилари ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун ҳужжатларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва болалар ҳуқуқларининг кафолатлари акс эттирилган. Шунга қарамай, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшмача кафолатлари мустаҳкамланиши халқимизнинг аазлий анъаналари, савоати, давлатнинг баркамол авлод учун ғамхўрлиги, қўли ижтимоий сиёсатининг амалдаги ифода-сидир.

Қодиёр ҚУРИЕВ,
2-давлат нотариал идораси нотариуси.

Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида "Ватанимиз истеъдодлари" номли концерт дастури бўлиб ўтди.

ВАТАНИМИЗ ИСТЕЪДОДЛАРИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари иштирок этди.

"Ватанимиз истеъдодлари" концертида "Янги авлод — 2011" болалар ижодиёти фестивалининг гоиллари, бадий жамоа-

ларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Концертда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи "Ўқувчилари, ёш истеъдодли мусиқачилардан ташкил топган "Шодиёна" оркестрининг чиқишида йилгитарида бирдай манзур бўлди.

"Туркистон-пресс".

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 8 сентябрь сонида "Галвасойнинг галвали гектарлари" ва 2009 йил 28 октябрь сонида "Ўн гектар ер машмашаси" сарлавҳали мақолалар эълон қилинган эди. Уларда туман ҳокимининг 1997 йил 29 декабрдаги 672-сонли қарори билан Галвасой ҳудудидagi давлат захира ерларидан богдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун "Алғабас" фермер ҳўжалигига 147 гектар ер майдони ажратиб берилгани, лекин туман ер ресурслари ва кадастр

Орада йиллар ўтди. Хўш, нима ўзгарди? Муаммо қандай ҳал қилинган?

Очигини айтиш керак: газетанинг ўша танқидий чиқишларидан кейин, гарчи пайсалга солиб бўлса-да, Бўстонлик туман ҳокимлиги "Алғабас" фермер ҳўжалигининг йўқламада кам чиққан ер майдонини тўлдириб беришни лозим топди. 2007 йил 28 декабрда ҳоким бу ҳақдаги 1078-сонли қарорини имзолади.

Бирок, газетанинг ўша чиқишларида кўтарилган иккинчи муаммо — "Кўргон" агрофирмаси ер тўғрисидаги қонун талаблари ва туман ҳокимининг тегишли қарорини кўпол равишда бузиб, ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва кўп йиллардан буён гайриқонуний равишда фойдаланиб келаётган 10 гектардан зиёдроқ майдонни ҳақиқий эгасига қайтариш масаласини ҳал қилиш ҳўзилариди. Бунинг учун судлар туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига раҳбарлик қилган йиллари ишда жиҳдий камчиликларга йўл қўйган, ҳусусан, "Алғабас" билан "Кўргон" агрофирмаси ўртасидаги 10 гектар ер майдонини, "JONIBEK AYDOS" фермер ҳўжалигига нисбатан эъраволиклар келиб чиқишига сабабчи бўлган, виллот ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан вазифасидан олинган Равшан Тўлағановнинг ишораларини асос қилиб олишпди. Виллот ҳўжалик судида бу ишни дастлаб қўриб чиққан судья Р. Премкулов фақат ҳоплатларни тахкидлаб билан қиёялашиб, "Алғабас" фермер ҳўжалигининг ер майдон

хизмати бўлими раҳбарларининг айби билан бу майдон 32 гектар кам ўчаб берилганлиги 2002 йилги ер майдонлари йўқламаси жараёнида аниқлангани, қолган 115 гектар ернинг 10 гектардан зиёдроқ қисминини қўшни "Кўргон" агрофирмаси раҳбари Карим Қўргонов ноқонуний равишда эгаллаб олиб, сурункали фойдаланиб келаётганини, туман ҳокимлиги ва виллот ҳўжалик сузи бу муаммони ҳал этишга юзаки ёндашаётганликлари танқид қилинган эди.

ни 115 гектарлиги аниқланганлигини, "Кўргон" ҳусусий агрофирмаси 25 гектар ер майдонига эғалик қилаётганлигини таъкидлаш билан чекланиб, бу майдонларнинг контурлар бўйича жойлашшини ўрганмасдан даъвоини рад этувчи ҳал қилув қарори чиқарди.

Айни шу ҳал қилув қарори сабаб "Алғабас" фермер ҳўжалиги сарсон-саргардонлик гирдобиди қолди. Виллот прокуратураси протестлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди акримларига биноан виллот ҳўжалик судида бу ишни қайта-қайта қўриб чиқиш жараёнида (судьялар Н. Худоев, А. Эрдонов, З. Қурбонова) ҳам ва, ният, виллот прокуратурасининг протести бўйича шу йил 28 октябрда ишни қайта қўриб чиқиш ҳақида Х. Исоев ҳам ана ўша дастлабки ҳал қилув қарориди баён этилган "асослар"дан бир баҳи ҳам четга чиқмай, тақдим этилган ҳужжатларга ҳўжалик баҳо бериб, қонуний қарорлар қабул қилиш ўрнига юзакичиликдан нари ўтишмапти. Бу омилилар эса айрим қисмларнинг ноҳўра ҳаракатларини рағбатлантирмоқда.

Айрим идораларнинг баъзи нопок ходимлари қўмада ҳўжалигини зарбод қилиш, тутатиш ҳаракати ҳам содир бўлмоқда, — дейди "Алғабас"нинг ишончи вақили Холмат Дуйсенов. — Ўтган йиллар майдонда ўша ўн гектар ер учун солиқларни муттасил тўлаб келаяптиз. Бирок, ўзимизга тегишли ерларни тўлиқ қайтариб ололмаямиз.

Хўш, К. Қўргоннинг

ДАВРА СУҲБАТИ



ХИЗМАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

"Соғлом авлод учун" халқро ҳайрия жамгармаси тиббий-ижтимоий патронаж тизими 15 йиллигига бағишлаб, матбуот конференцияси ташкил этди.

Анжуманда тиббий ижтимоий патронаж тизими фаолияти, ютуқлари, муаммолари ва ечимлари ҳусусида суҳбат уюштирилди. Тиббий ижтимоий патронаж тизимида маҳалланинг ўрни, репродуктив саломатлик-

ни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўллари, тиббий ижтимоий патронаж бригадалари фаолиятининг 2011 йил якунларига тайёргарлик мавзуларида музокаралар олиб борилди. Шунингдек, анжуман сўнгиди тиббий ижтимоий патронаж тизими фахрийлари, ҳамкорлари ва ходимларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА,
Еркебой БОТИРОВ олган сурут.

ТАЪЛИМ

ИНСТИТУТ ВА КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

Ўрта Чирчиқ агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида 1407 ўқувчи қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш, транспортда юк ташиниш ва бошқаришини ташкил этиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, кенг ассортиментдаги қийимлар модельер-конструктори, фермер ҳўжалигини юрийтиш йўналишлари бўйича 75 нафар умумий ва касбий таълим ўқитувчиси ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталаридан сабоқ олмақдалар.

Ўқувчиларнинг чўқур билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шaroит мавжуд. Кимё, физика, биология лабораториялари, ўқув амалиёт хоналари улар ихтиёрида. Янги таъмирланган 70 ўринли ётоқхона ва ошхона ҳам жамоа хизматиди.

Коллежда турдош йўналишдаги олий илмгоҳлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент Давлат аграр

университети, Тошкент автомобиль йўллари институти билан ўқитиш методикасини янада тақомиллаштириш борасидаги ўзаро алоқалар икки томонлама самара бермоқда.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари коллежда бўлишиб, махсус фанлар бўйича очик дарсларда қатнашишди ва амалий машғулотлар жараёни билан танишишди. Шу асосда коллежда махсус фанларни чўқур ўқитиш

ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ф. Усarov, Галаба қишлоқ фуқаролар йилғини раиси Қ. Нормирзаев, "Геоинформкадастр" давлат унитар корхонаси бош мутахассиси Т. Турсуновлар имзолаган ушбу далолатнома бажарилмай қолиб кетди. На туманда, на виллотда ҳеч ким бунга эътибор бермади.

Таъбиғий, шартнома бўйича богдорчилик фермери консерва заводига олма топширишга мажбур эди. Узининг ўзбошимча хатти-ҳаракатини

методикаси бўйича ташкил этилган ўқув-семинарда институтининг академик лицейи ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Зўхра Исмоилова, бўлим мудири Дўстназар Химматалиев, педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Алимна Ҳошимова ўқув жараёнини янада тақомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Ўқитувчилар коллеж ва туман машина-трактор парки ўртасидаги амалий ҳамкорлик доирасида МТПда ўқувчилар учун ташкил этилган ўқув зонаси ва амалиёт устaxonаларидаги шарт-шaroитлар билан танишиб, юқори баҳо бердилар.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

раислигида қўрилди. Суд мажлисида даъвогар — туман ҳокимлиги вақили даъво талабларини асословчи бирон-та ҳужжат тақдим эта олмади. Аксинча, фермер ҳўжалиги ижара шартномаси шартларини тўлиқ бажариб келаётгани ҳужжатлар билан далилланганлиги судда қайд қилинди. Шу асосда виллот ҳўжалик суди Бўстонлик туман ҳокимлигининг даъво талабларини қаноатлантирмасдан қолдириш, ҳокимликдан республика бюджетига 155.250 сўм

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси каби давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган экожурналистика бўйича республика танлови якунланди.

Тошкентда шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б. Алиханов ва бошқалар экологик муаммоларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳит му-саффолигига салбий таъсирини қаматириш, табиатни муҳофазалаш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш мақсадларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатнинг асосий йўналишини ташкил этишини таъкидлади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати олдига қўйилган дастурий мақсад ва вазифаларни рўйбга чиқариш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Аънавий экожурналистика бўйича республика танлови ушбу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татиқ этиш, журналистларнинг юксатлириш, мамлакатимиздаги экологик муаммоларнинг ечимини топиш, борасидаги илгор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу танловга бу йил мамлакатимиздаги газета, журнал, радио, телевидение, интернет нашрларда ижод қилаётган 80 нафардан кўпроқ журналистдан икки юз қирқдан зиёд ижодиий иш тушди. Уларда бугунги кунда дунёда, минтақамиз ва мамлакатимиздаги экологик муаммолар, уларни ҳал этиш йўлида амалга оширилаётган лойиҳалар, самалар, табиатни муҳофазалаш тадбирларида жамоатчилик иштироки, илм-фан марказларида яратилган экологик безарар технологиялар ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш натижалари атрофчила ёритилган.

Танловда миллий ва минтақавий экологик муаммоларни, уларни ҳал этиш йўлидаги илгор тажрибаларни кенг еритган "Экоҳаёт" газетаси гранпри совриндори бўлди. Шунингдек, босма оммавий ахборот воситалари, интернет журналистикаси, радио, телевидение ва "Тоғли ҳудудларини барқарор ривожлантириш" каби номинациялар бўйича голим ва совриндорларга диплом ва совринлар топширилди.

Ў.А.

СИРЛИ айланишда

Ўзбошимчалиги ва қўшни ҳўжаликларга кун бермаслиги нималарда ифодаланмоқда?

Гап шундаки, у биринчи қадам сифатида "Кўргон" агрофирмасига туман ҳокимлиги томонидан богдорчилик йўналишида фойдаланиш учун 2006 йили ижарага берилган 598-контурдаги 2,6 гектар богнинг олма дарактларини қўриб олиш, ерни текислаб, ўрнида бедазор ташкил этди.

Виллот "Ермулккадастр" хизмати мутахассисларининг ҳулосаси: "Туман ҳокимлиги билан "Кўргон" агрофирмаси томонидан 2006 йилда тузилган шартномада қўрсатилган 598-контурдаги 2,6 гектар бог майдони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги 514-сонли қарорига асосан туман захирасига олиниб, қайта танлов ўтказиш ҳамда ушбу ер майдонини фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун ижарага бериш мақсада мувофиқ ҳисобланади".

Лекин 2007 йилнинг 14 апрелида виллот "Ермулккадастри" хизматининг тўрт масъул мутахассиси, туман ер

хаспўшлаш, бекитиш учун у эъраволикка ўтди. "JONIBEK AYDOS" фермер ҳўжалигининг олмазор богини ноқонуний равишда эгаллаб олиб, меваларини териб, консерва заводига топшириб юборди, дарактзорларига мол ейиб, катта зиён етказди.

Фақат виллот ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ходимларининг ёрдами билан К. Қўргонов эъраона эгаллаб олган 8 гектар богимизни қайтариб олдик, — дейди "JONIBEK AYDOS" фермер ҳўжалигининг ижрочи раҳбари Шодиёр Абдурахмонов. — Бугина эмас, ўша йили богларимизда 300 боғ қўй, 40 та ситир ва 10 та йилқисини боқиб, мева дарактларимизга зиён етказди.

Бу фермер ҳўжалигига нисбатан зуғум шу билан тумандади. Бўстонлик туман ҳокимлиги томонидан "JONIBEK AYDOS" фермер ҳўжалигига нисбатан ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва ерни қайтариб олиш тўғрисида виллот ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Иш 2007 йилнинг 27 сентябрида судья И. Тожиев

давлат божи ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Бу воқеалар Бўстонлик туман ҳокимлигидаги ўзиблармон ҳукукшунослару бошқа мутасаддиларини ҳам оғоҳ тортириш лозим эди. Афсуски, бундай бўлмади. Орадан бироз фурсат ўтиб, "Алғабас"га нисбатан ҳам айни шу усулни қўллаб, Бўстонлик туман ҳокимининг шу фермер ҳўжалигига 147 гектар ер майдони ажратиш ҳусусида 1997 йил 29 декабрда чиқарган 672-қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб, судга даъво талаби киритишди. Виллот ҳўжалик суди бу ишни 2008 йил 23 сентябрда қўриб чиқиб, келтирилган далиллар мутлақо асоссизлиги сабабли даъвоини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Бу орада "Алғабас" фермер ҳўжалиги "Кўргон" агрофирмаси эъраволик билан эгаллаб ва фойдаланиб келан 10 гектар ерни қайтариб олишда ёрдам кўрсатишни сўраб, виллот прокуратурасига мурожаат қилди. Прокуратура масалани ҳар жиҳатдан ўрганиб, биринчи инстанция судининг мажкур иш бўйича 2008 йил 10 ап-

Шундан сўнг у томоннинг иштакҳси яна ҳам очилиб кетди. К. Қўргонов судга мурожаат қилиб, гўёки "Алғабас" фермер ҳўжалиги "ноқонуний ва асоссиз даъво билан судга мурожаат қилганлиги сабабли кўрган зарарларини қоплаш учун жавобдор... 8 миллион 770 минг сўм маблағ ундириб беришни

БАДИЙ ГИМНАСТИКА



«МУСТАҚИЛЛИК ЗЕБОЛАРИ»

Ҳар томонлама етук, баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни алоҳида. Айниқса, бадий гимнастика билан шуғулланган қизларимиз сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Вилотимиздан чиққан спорт маликалари, ҳатто, халқро мусобақаларда ҳам иштирок этишмоқда.

Вилот хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ таълими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Куйи Чирчиқ туманида ўтказилган "Мустақиллик зеболари" кўрик-танлови умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизларининг спортнинг бадий гимнастика турига қизиқишини кунайтириш, умуман, қизларни спортга кенг жалб этиш мақсадида уюштирилди. Унда вилотимизнинг энг иқтидорли гимнастикчи қизларидан 50 нафари иштирок этди. Мусобақада Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Янгийўл туманлари гимнастикчилари, айниқса, чиройли чиқишлари билан томошабинларни ҳушнуд этишди. Ўзгаллик, нафосат уфуриб турган қизақларда бадий гимнастика бўлган ҳавас, иштиёқ кучли. Чирчиқлик Фотиима Давлатова, Бекободлик Зилола Жўраеванинг кўргазмалли чиқишлари барча иштирокчиларда катта таъсирот қолдирди. Бу бежиз эмас. Улар Туркияда бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этишган.

— Қизларнинг жисмонан соғломлиги, ҳушбичим, ҳушқомат



дан ҳимояланиш" учун "Химоя" адвокатлик фирмасига 6 миллион 800 минг сўм гонорар тўлаганлигини асос қилиб кўрсатган. Ҳолбуки, "Химоя" фирмаси билан "Кўрғон" агрофирмаси ўртасида юридик хизмат кўрсатиш хусусидаги 8-шартнома 2008 йил 2 январь кuni тузилган. У вақтда "Алғабас" билан "Кўрғон" ўртасидаги судлаштирилган ҳал ҳеч қандай ҳаёлига ҳам келмаганди. Қолаверса, "Химоя" фирмаси билан ҳисоб-китоб наҳд пулсиз шаклда ўтказилиши

қайси ҳужжаликка тегишли эканлигини ҳужжатлар асосида аниқлаш хусусида аҳрим чикарди. Суд мутахассислар хулосасини олиш учун бу ишни ҳужжатлар билан "Ўздаверлоийха" институтига юборди.

"Ўздаверлоийха" институти мутахассислари вилот ҳужжалик судининг ушбу аҳрим талабларини баҳарлаш ҳонохис, бирёқлама, фақат "Кўрғон" агрофирмаси раҳбарининг манфаатларини қўлаб ёндошишди. Улар судга тақдим этган янги дало-

раҳбар имзолаган ва қайсидир кичик мутасаддилар томонидан тайёрланган асоси-сиз, ноқонуний даъволарнинг оқибати эди бу.

Шу суд мажлислари давомида Карим Қўрғонов ва унинг шериклари ўзлари наҳот деб ҳисоблаган яна бир далилни келтириб, "Алғабас" ни жонловлаган яна бир марта уриниб қўришди. Улар "Алғабас" фермер ҳужжалиги ҳақратилган ер майдони 147 эмас, балки 107 гектар бўлган деган даъвоини илгартириб, судга бунинг учун "ЎзГЭС"

даъво талабини яна рад этиб, навабдаги ҳал қилув қарорини чиқарди.

Асл ҳолатлар қандай эди? "Алғабас" қанча ердан фойдаланаётган?

К. Қўрғоновнинг ташаббуси билан "Ўздаверлоийха" институти бўлими бошлиғи Ф. Аҳмедов билан мутахассис А. Шариповлар томонидан ерларни ўрғаниш асосида 2009 йил 7 майдаёқ тузилган далолатномада "Алғабас" фермер ҳужжалиги 115 гектар ер ҳисобидан солиқ тўлаб келатганини эътироф

"Кўрғон" агрофирмасининг гайриқонуний эгаллигидан ўзининг ҳақиқий эгаси — "Алғабас" фермер ҳужжалиги қайтариб олиб бериш ҳақида бормоқда. Шунда ер йўқамаси чоғида аниқланган ҳақиқий манзара — "Алғабас" га узок мuddат фойдаланиш учун аҳрабти берилган дастлабки 115 гектар ер майдони тўла ҳажмда тикланади. Ҳужжатлар билан тасдиқланган турган ушбу оддий ҳолатни исботлашга бағишланган судлашулар эса, илгилар мобайнида қўзғилиб келмоқда...

ЧАРХИЛАК
давом этмоқда...

керак эди. 2009 йил 1 март кунги газна қирим ордерида биноан "Химоя" га наҳд пул тўлаб, Фуқаролик кодексининг 790-моддаси талаби бузилган.

Шу ва бошқа асосларга таяниб, вилот прокуратураси вилот ҳужжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, яна "Кўрғон" агрофирмасидан 10 гектар ер майдонини "Алғабас" га қайтариш хусусида қарор чиқариш сўради. Биринчи инстанция суди 2009 йил 28 январда бу даъвои рад этиш хусусида навабдаги ҳал қилув қарорини чиқарди. Кассация инстанцияси судининг 8 апрелдаги мажлиси бу қарорни бекор қилиб, иш янгида қўриш учун биринчи инстанция судига юборди. 11-0829/23781-иш судья С. Қўрбонова раислигида 21 октябрь кунги қўриб чиқиш, ҳар икки ҳужжалик аҳрабти ер майдонларига тааллуқли ҳужжатларни экспертизадан ўтказиб, уларга тегишли ер майдонлари қайси қонунларда жойлашганини, уларнинг ҳақини, "Алғабас" фермер ҳужжалиги даъво қилаётган 10 гектар ер майдони туман ҳокимининг қарорига биноан

латномада 217, 27, 28, 28а, 34-контурлардаги ҳақини 7,7 гектар ер майдони умуман кўрсатилмади.

Бу орада суд 10 гектар ер майдонини жойида қўришга аҳд қилиб, иш қўриш қўзғиларди. Ниҳоят, навабдаги суд мажлисида Бўстонлик туман ҳокимлиги "Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан аҳр қилинганларнинг ишчи ҳисобидатида" суд жараёнига жалб этилди. Ҳокимлик суд мажлиси давомида асосий даъво талабига қарши даъво аризаси бериб, "Алғабас" фермер ҳужжалиги билан ҳокимлик ўртасида ер майдонларини узок мuddатли ижарага бериш тўғрисида 2008 йил 10 августда тузилган шартнома бекор қилиниши сўради. Қизикми? Ҳа!

Табиийки, туман ҳокимининг имзоси билан қиритилган даъво аризасида келтирилган далиллар ҳеч қандай асосга эга эмаслиги учун суд яна рад этишди. Иккинчи маротаба Бўстонлик туман ҳокимлигидан бож ва бошқа мажбурий тўловлар сифатида 758 минг сўмдан кўпроқ маблағ ундириш ҳақида қарор чиқарилди. Ҳаммасини мутахассис

этилади. Бундан ташқари, бу факт Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди кассация инстанциясининг 2009 йил 9 сентябрь ва вилот ҳужжалик судининг 21 октябрь қарорлари, Тошкент вилот прокуратурининг протестларида баён этилган хулосалар билан ҳам тасдиқланади.

"Алғабас" фермер ҳужжалигининг ерларидан ноқонуний фойдаланиб келатганини Карим Қўрғоновнинг ўзи ҳам вақти билан эътироф этишга мажбур бўлди. Чунки, вилот ҳужжалик судининг навабдаги мажлиси чоғида у катта "илтифот" қўриб, Сирлибастовдаги 3,4 гектар ер "меники эмас, олаверсин", деди.

Шунингдек, бу факт Фарҳод Ўсаровнинг 2009 йил 7 сентябрь кунги "Алғабас" фермер ҳужжалигида берган расмий маълумотномаси билан ҳам тасдиқланади. Унда 1, 2, 3-контурлардаги ўша 3,4 гектар ер майдони қарор бўйича "Алғабас" га тегишли эканлиги эътибор қилинган. Демак, энди гап бунинг суд қарорини билан расмийлаштириш ва 21-, 27-, 28- ва 34-контурларга жойлашган 7 гектар атрофидаги ер майдонини

манда ҳоким ўзгариши билан улар судга даъво аризаси тайинлаш ҳақидаги ҳужжатлар билан беҳабар янги ҳоким уни имзолайди. Агар бу даъво аризаларининг бир қисми ҳокимлик ҳужжати билан Жўра Аширов томонидан тайёрланганлиги эътиборга олинса, масала ойдинлашади. Айни шу одам "Химоя" ҳужусий адвокатлик бюросининг раҳбари ҳисобланади. "Химоя" адвокатлик бюроси билан "Кўрғон" агрофирмаси раҳбари Карим Қўрғонов ўртасида эса... 2006 йилиёқ юридик хизмат кўрсатиш хусусида шартнома тузилган...

Ҳозирча аҳвол шундай. 7 гектар атрофидаги ер майдони таваригаги нисозни ҳал қилишга ёндошулар шундай. Бу нисознинг қонуна ҳал бўлиши фақат тегишли қонунларга эътибор, балки қандайдир силри қарпалак домига илгинган айрим ҳайбарақаллачи мутахассисларнинг кирдикорларига қонуний баҳо берилишига ҳам боғлиқ бўлиб қолганга ўхшади.

Охири гап. Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини чиқарди. Нозир томон апелляция, кассация шикоят аризалари беради, агар қонун бузилган деб тоғас, прокурор протест келтиради. Юқори босқим суд буларни суд мажлисида қўриб чиқариб, 8 қаноатлантиради, ёки рад этади. Булар бари — қонуний. Бироқ, юқоридаги мажлисда, вилот прокуратурасининг бу иш бўйича бир неча марта келтирган протестларини, улардан баъзисини Олий ҳужжалик суди ҳам қаноатлантириб, иш янгида қўришга жўнатган шартнома, вилот ҳужжалик судида "йўқ, биз тўғри қарор чиқарганимиз" дегандек, бу протестлардаги ва Олий ҳужжалик суди қўрсатмаларидаги ҳолатларга юзаси ёндошиб, яна илгаридек ҳал қилув қарори чиқарилаверини, оқибатда бу ишнинг бир неча йил давомида қайта-қайта қўрилавериши худаям тўғрисида, қонунийликми? Бу ҳолатга қим, қандай ҳужжати баҳо беради?

Бу вазифа, авваламбор, ҳокимликнинг ҳужжати хизмати тааллуқли. Ҳар гал ту-

муни, Келес шаҳарчасидаги акушерлик мажмуаси ходимлари, ўз ишининг фидойилари, қўли энгил шифокорлар Гулчехра Эргашева, Марғуба Каримова, Шоҳида Максудиева, анестезиологлар Шавкат Мухаммаджонов, Миродил Содиков, Жалол

Мажидов, ҳамширалар Озодаҳон, Мухайёҳон чақоғим иккимиз учун наҳот фаршларига айланишди. Улардан чексиз миннатдорман. Менга кўрсатган меҳр-оқибатларини фарзандларидан қайтсин.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларида тақлиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖ 2012 йил 16 ва 31 январь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқимча-босқимчи ошиб бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдоларида қуйидаги кўчмас мулк объектларини қўйилади:

Чиноз тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

Тошкент вилот ҳужжалик судининг 2011 йил 18 апрелдаги 11-1128/4692-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "AL-YASSA" МЧЖга тегишли, Тошкент вилоти, Чиноз тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Сутчилар бўлимида жойлашган, умумий майдони 8738.97 м.кв. жойда жойлашган ферма бино ва иншоотлари.

Бошланғич нархи — 300 000 000 сўм.

Чиноз тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилот Оҳангарон туманлараро судининг 2010 йил 25 апрелдаги 156-2/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "OLTI FAVORA" МЧЖга тегишли, Тошкент вилоти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1163.94 м.кв. бўлган нотурабрий биноси.

Бошланғич нархи — 213 000 000 сўм.

Куйи Чирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

Жиноий ишлар бўйича Олмалик шаҳар судининг 2011 йил 10 августдаги 1-186-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "INFRASTRUKTURA SERVIS" ХКга тегишли, Тошкент вилоти, Куйи Чирчиқ тумани, Майдонтоқ ҚФЙ, Қизил қишлоғида жойлашган, фойдали майдони 310.29 м.кв. бўлган "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси".

Бошланғич нархи — 81 816 879 сўм.

Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

1. Тошкент вилот ҳужжалик судининг 2009 йил 24 ноябрдаги 6098-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Охунбобоев Агро Файз" агрофирмасига, Тошкент вилоти, Зангиота тумани, Охунбобоев ш/х, Қизгалдоқ ҚФЙ, Олмазор кўчасида жойлашган, ер майдони 0.79 га, қурилиш ости майдони 826.46 м.кв. бўлган "2 қаватли идора ва чойхона" бино иншоотлари.

Бошланғич нархи — 471 600 720 сўм.

2. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2010 йил 11 августдаги 8588/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ш. Аҳунвова тегишли, Тошкент вилоти, Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, Номдан кўчасида жойлашган, ер майдони 0.08 га, умумий фойдали майдони 96.25 м.кв. бўлган қурилиш битмаган уй-жой.

Бошланғич нархи — 134 626 014 сўм.

3. Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилот судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Э. Ходжаева тегишли, Тошкент вилоти, Зангиота тумани (аввалги Тошкент тумани), Кўксарой ҚФЙ, У. Юсупов кўчаси, 7-уйда жойлашган, ер майдони 0.08 га, умумий фойдали майдони 96.25 м.кв. бўлган қурилиш битмаган уй.

Бошланғич нархи — 4 927 397 сўм.

4. Жиноий ишлар бўйича Тошкент вилот судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, М. Ағзамхондаевага тегишли, Тошкент вилоти, Зангиота тумани (аввалги Тошкент тумани), Хасанбой ҚФЙ, "Кенгсой" маҳалласи, Бахт кўчаси, 2-уйда жойлашган, ер майдони 1200 м.кв, фойдали майдони 78.3 м.кв. бўлган уй-жой.

Бошланғич нархи — 28 272 051 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақтларини иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "Capital Realtor Group" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк"нинг Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақами тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия RR-0017.

Учтепа тумани ТҚРҲ томонидан 2007 йил 11 июлда № 001697-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "REM ARSENAL BIZNES" (ИНН 300594932, ОКОНХ 71280) ҳужусий корхонасининг таъшиқ ҳужжати шакли масуллати чекланган жамиятини ўзгарганлигини маълум қилади.

Чинозор тумани ТҚРҲ томонидан 2007 йил 14 мартда № 002697-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "DS-HAMKOR" масуллати чекланган жамияти (ИНН 203887075, ОКОНХ 19400) Чинозор тумани ТҚРҲ томонидан 2011 йил 30 ноябрда № 007484-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "TONG PRESS PRINT" масуллати чекланган жамиятига қўйилганлигини маълум қилади.

Даво ва аризалар 2 ой мuddатда 158-81-41 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

Даво ва аризалар 2 ой мuddатда 158-81-41 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

Утериянинг кадастр на аздане (реестр № 1-43/2008) ТА 0486084, 2799-51, выданный 04.02.2008г. ГРРЗОИК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент, Учительский район, ул. Куркам 2-типуск на ООО "QUNVOQ SHANXPALAK",

① белгилли материаллар – тижорат материаллари. "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345